

ЯГОНА ЙЎЛИМИЗ – ТАДБИРКОРЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ, ОДАМЛАРНИ ИШБИЛАРМОН ҚИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Илгор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солиқ тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солигининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар ихтиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди.

2020 йил 1 январдан янги тахрирдаги Солиқ кодекси амалиётга татбиқ этилди. Бу ислохотлардан асосий мақсад жорий ва келгуси йилларда иқтисодий барқарорликни таъминлашдир.

Йиғилишда бунинг учун тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бу орқали бюджет тушумлари мунтазам ошириб бориш зарурлиги таъкидланди.

– Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сони кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш. Ҳар бир ҳоким бюджетга қўшимча даромадларни таъминлаши учун ўзи изланиши, тадбиркорга шароит яратиш, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жойлардаги раҳбарларнинг эскича иш услуби, энергия ресурслари истеъмоли ва тўлови бўйича ҳисоб-китоб юритиши, тадбиркорларни қийнаётган масалаларга ёндашуви танқид қилинди. Ўтган йили Мирзо Улукбек, Ғузор ва Муборак туманларида фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлар сони ошгани қайд этилди.

– Битта тадбиркор ўз фаолиятини тўхтатса ҳам, бунга “фавқулодда ҳолат” сифатида қаралиши керак, – дея таъкидлади Президент. – Иқтисодий барқарорлик асоси рақобатбардош тадбиркорларни кўпайтиришдир.

Йиғилишда жорий йил биринчи чоракда бюджетга солиқ тушумлари таъминлаш учун ҳокимлар бошчилигида, уларнинг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари, молия ва солиқ идоралари томонидан амалга ошири-

ладиган вазифалар белгилаб берилди.

Аввало, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ҳамда фаолиятини тўхтатган корхоналарни тиклашга кўмаклашиш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун электр, газ, йўл, сув билан боғлиқ инфратузилмани яхшилаш, янгиликларни барпо этиш зарур. Шу боис ҳокимиятлар томонидан ошириб бажарилган даромадлар, биринчи навбатда, ҳудудларда мавжуд инфратузилмани яхшилашга йўналтирилиши белгиланди.

Шунингдек, тайёр инфратузилмаси бор кичик саноат зоналарининг 263 гектар майдони ва 50 мингдан зиёд объектларидан самарали фойдаланилса, қўллаб-қувватлар ташкил этиш мумкин. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига вилоят ҳокимликлари билан биргаликда шу борада манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир туман кесимида ресурс солиғи тўловчиларни ҳамда уларнинг объектларини ҳисобга олиш, иш ўринлари ва тадбиркорлар фаолиятини легаллаштириш бўйича ҳам топшириқлар берди.

Электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун қарздорликни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва бошқа жойларда дебитор қарздорлик кўпайгани, автомобилга газ қўйиш шохобчаларида катта миқдорда талон-торожликлар аниқланганлиги қайд этилди. Бу энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этиши билан бирга, ҳудудлардаги тадбиркорларнинг электр ва табиий газ таъминотида узилишларга сабаб бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бундай ҳолатларга чек қўйиб, электр энергияси ва табиий газдан қарздорликни қисқартириш,

аҳоли ва тадбиркорларни ушбу манбалар билан узулқисс таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Маълумки, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, “Ўзбекнефтьгаз”, “Ўзтрансгаз”, “Ўзқурилишматериаллари”, “Ўзқимёсанот” каби йирик корхона ва ташкилотлар бюджет кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Эндиликда улардан тушумлар яқинда тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси томонидан мустақил йиғилади.

Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига ўз комплекслари таркибидagi корхоналарда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш бўйича кўрсатма берилди.

Бюджетга тушумлари оширишда яна бир муҳим йўналиш – давлат активлари. Ўтган йили давлат иштирокидаги корхоналар томонидан бюджетга жами 1,6 триллион сўм дивиденд тўланган, холос.

Шу боис мутасаддиларга давлат мулк объектларини, жумладан, ёғ-мой ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни хусусийлаштириш, йирик солиқ тўловчи субъектлар бўйича дивиденд тўлаш миқдори ва даврийлигини белгилаш вазифаси юклатилди.

Йиғилишда берилган топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш учун вилоят ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари молия, солиқ, божхона, банк ва иқтисодий комплекс таркибидagi бошқа ташкилотлар билан биргаликда тадбиркорларга муносиб шароит яратиш ва бюджет даромадларини ошириш бўйича доимий ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Видеоселекторда яна бир муҳим масала – янги Солиқ кодексини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш масаласи ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, ўтган йили солиқ тизими-

даги ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорларга чуқур тушунтириш бўйича Ишчи гуруҳ тузилган эди. Унинг ҳудудий тузилмалари томонидан бу борада манзилли ишлар олиб борилди.

Жорий йил 1 январдан мамлакатимиз солиқ тизимида 120 дан орტიқ янги қоидалар амалиётга киритилди. Бу қоидалар тўғри қўлланиши, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлини учун ўзгаришлардан барча хабардор бўлиши керак.

Шу боис вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилигида иқтисодий комплекс идоралари ходимлари ва тадбиркорларни ўқитишни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Кодекснинг мазмун-моҳиятини англаган ҳолдагина унинг сифатли ижросини таъминлашга имкон бўлади. Ундан ташқари, ҳужжатда қўзда тутилган қоидаларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида барча туманларда давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тарғибот тадбирларини ўтказиш муҳимлиги қайд этилди. Оммавий ахборот воситаларида тарғибот бўйича медиа режа ишлаб чиқиб, биринчи чорак давомида барчага етказиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Янги кодексда солиқ органларига ҳам қўллаб-қувватлар юклатилган. Уларни сифатли амалга ошириш учун солиқ ходимлари билим ва савиясини кескин ошириши, тадбиркорларга муносибатини тубдан ўзгартириши зарурлиги таъкидланди.

Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бизнес-омбудсманга халқаро тажриба асосида, тадбиркорлар билан муҳокама қилган ҳолда солиқ текширувлари ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда қурилишни молиялаштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаган объектларда қурилишни бошлаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларисиз қурилишни молиялаштириш тақиқланиши қайд этилди.

– Бугунги топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш иқтисодий комплексдан катта масъулият талаб этади. Шу боис бу йил ҳуқумат ва ҳудудлар учун “иқтисодий комплексни сафарбар қилиш йили” бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселекторда соҳа ва тармоқлар раҳбарлари, ҳокимлар белгиланган прогност режаларни бажариш, тадбиркорликни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистонда Марказий Осиёга бевосита туташ Яқин Шарқда юз бераётган воқеалар алоҳида ташвиш билан қарши олинмоқда.

Ҳарбий-сиёсий ҳолатнинг янада кескинлашиши қўллаб-қувватлаш бўлишига ва кенг қўламли гуманитар фалокатга олиб келиши мумкин, ҳаётий муҳим иқтисодий алоқалар ва коммуникация йўллари вайрон қилади, минтақавий ва глобал хавфсизликка тузатиб бўлмас зарар етказиши.

Ўзбекистон томони ўта босиқлик тарафдори бўлиб, тарангликни камайтириш ва минтақадаги вазиятни мўътадиллаштириш учун қарама-қарши томонларни сиёсий-дипломатик чоралар кўришга чақиради.



Сирдарё вилояти

ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Бундан вилоятда 2019 йилда етиштирилган 190 минг тонна пахта ҳосилининг 120 минг 860 тоннаси, яъни 63 фоизи агрокластерлар ҳиссасига тўғри келганлиги, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони кескин ўсганлигида акс этиб турибди.

Бунда “Бек кластер”, “Боёвут техно кластер”, “Индарам агро” ва “Политекс Сирдарё” агрокластерлари меҳнат жамоаларининг муносиб ҳиссаси бор. “Бек кластер” қўшма корхонаси икки йил олдин ўз фаолиятини бошлаган бўлса, “Индарам агро”, “Боёвут техно кластер” ва “Политекс Сирдарё” корхоналари ўтган йилнинг бошида ташкил этилди ва бу корхоналар бир йилнинг ўзидаёқ маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириб, экспорт қилиш имкониятининг кенглиги, кластер тизимининг ҳар жиҳатдан афзаллигини исбот этди. Яна ҳам эътиборли жиҳати, мазкур кластерларда 12 мингдан орტიқ киши доимий, 40 мингдан зиёд одам мавсумий иш ўринларига эга бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)



Ғузорда йирик лойиҳа ишга тушади

Яқинда Ғузор туманига канадалик инвесторлар ва Ўзбекистон “Сентал Азия Chemicals Uzbekistan” МЧЖ директори Б.Шарипов ташриф бурди.

Тумани ҳокимлиги ахборот хизмати хабарига кўра, туман мутасаддилари ва инвесторлар туманда 10 минг гектар ер майдонига “Соё экиш ва уни қайта ишлаш заводи” қурилишига келишиб олди.

Инвесторларнинг маълумотига кўра, ушбу заводни қуриш ва лойиҳани амалга ошириш учун 15 миллион доллар инвестиция киритилади ва 2 мингдан орტიқ ишчи ўрин яратилади.

Маълумот учун, соя экинни дўжакли ўсимлик ҳисобланиб, ўсимлик мойи, чорвачилик, балиқчилик ва паррандчилик учун озуқа базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўз мухбиримиз

Ватан – муқаддас, уни ҳимоялаш – шарафли бурч!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 28 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси “Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Унда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда уларни такомиллаштириш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

– Мамлакатимизда ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг самарасини янада оширишда янгидан қабул қилинган Мудофаа доктринаси муҳим аҳамият касб этади, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қодир Жўраев.

– Ушбу доктрина Ўзбекистон ташқи сийосатининг очиқлик тамойилини, чет эл давлатлари билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантиришни ифода этади. Унда давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сийосати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдига турган вазифалар ҳамда миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгиланган.

олими ва тадбиркорларни ушбу манбалар билан узулқисс таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

бир-бирини такрорловчи тузилмалар ўрнига жанговор бригадалар ташкил этилди. Армияни янги қурол-аслаҳа ва замонавий ҳарбий техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ҳаво ҳужумидан мудофаа учун “Зенит” ракета комплекслари, алоҳида учувчисиз учар аппаратлар эскадрильяси, зирхли техникалар, вертолётлар билан таъминланди. Натижада,



2019 йил якунлари бўйича мамлакатимиз миллий армиясининг ҳарбий қудрати икки баробарга ошди.

– Қуролли Кучларимиз юрт тинчлиги ва равақининг мустаҳкам кафолати ҳисобланади, – деди Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи Зафаржон Қосимов. – Бугунги кунда вазирлик тизимида ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бундан қўзланган мақсад ҳарбий хизматчилар нафақат жисмонан балки ақлий жиҳатдан ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши керак. Бундан

Фарҳод АБДУРАСЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Истиқболли лойиҳалар ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Кластерлар ўзи етиштирган ҳосилни тўлиқ қайта ишлаб, тайёр экспортбон маҳсулот даражасига етказиши, дунё бозорида ўз ўрнини топа олиши билан ҳам ривожланган мамлакатлардагидек муҳим маққени эгаллаётди. Шу боисдан ҳам вилоятда нафақат пахтачилик, балки пиллачилик, балиқчилик, мева-сабзавотчилик тармоқларида ҳам тизимни кластерлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимизнинг ташаббуслари, бевосита амалий ёрдамлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2018-2019 йилларда қиймати 1 триллион 900 миллион сўмлик 392 лойиҳа ишга туширилиб, жойларда 7 мингдан кўпроқ янги иш ўринлари яратилди.

Шундан саноат соҳасида қиймати 903 миллиард сўмлик 102 та, хизмат кўрсатишда 455 миллиард сўмликдан ортиқ 152 та лойиҳа амалга оширилди ва ушбу жабҳаларда 4 мингдан кўпроқ янги иш ўринлари барпо этилди.

Яна ҳам аҳамиятлиси, қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати 560 миллиард 500 миллион сўмлик 138 лойиҳа амалга оширилиб, 2 минг 500 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Вилоятда хорижий инвесторларни жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, бу борада “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида ҳам кўламли ишлар амалга ошириляпти. 509 гектар ишлаб чиқариш майдонига эга бўлган эркин иқтисодий зонада айна пайтда умумий қиймати 144 миллион долларлик лойиҳалар ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётди. Шунинг 44 миллиард 300 минг доллар хорижий инвестициялардир. Бу ерда 26 та инвестиция лойиҳаси ўзлаштирилиши ҳисобига сирдарёликлар учун 2 минг 800 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Яна ҳам аҳамиятлиси, қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати 560 миллиард 500 миллион сўмлик 138 лойиҳа амалга оширилиб, 2 минг 500 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Вилоятда хорижий инвесторларни жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, бу борада “Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида ҳам кўламли ишлар амалга ошириляпти. 509 гектар ишлаб чиқариш майдонига эга бўлган эркин иқтисодий зонада айна пайтда умумий қиймати 144 миллион долларлик лойиҳалар ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётди. Шунинг 44 миллиард 300 минг доллар хорижий инвестициялардир. Бу ерда 26 та инвестиция лойиҳаси ўзлаштирилиши ҳисобига сирдарёликлар учун 2 минг 800 та янги иш ўрни ташкил этилди.



РОССИЯГА МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРИ ДИҚҚАТИГА

2020 йилнинг 4 январь куни www.pravo.gov.ru расмий ҳуқуқий ахборот интернет-порталига Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2019 йил 31 декабрдаги 1952-сон “Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2004 йил 31 декабрдаги 908-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида” ги қарори жойлаштирилди.

Ўзбекистоннинг Москва шаҳридаги Элчихонаси маълумотига кўра, ҳужжатга мувофиқ 10 фоизли ставка бўйича қўшимча қиймати солиғи (ҚҚС) солинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари рўйхатига ўзгартириш киритилди. Хусусан, Россия ҳудудига олиб қилинган имтиёзли ҚҚС солинадиган мева-сабзавот маҳсулотлари рўйхати кенгайтирилди.

Ўзбекистоннинг асосий хўл мева маҳсулотлари ҳисобланадиган тарвуз, қовун, узум, анжир, олма, нок, беҳи, ўрик, гилос, олча, шафтоли (жумладан нектарин ҳам), олхўри ва лимонга нисбатан аввал амал қилган 20 фоизли ҚҚС ўрнига 10 фоизли ставка жорий этилади.

Шунингдек, ўзгартирилган қуруқ меваларга нисбатан жорий этилмади. Ушбу категория бўйича 20 фоизли ҚҚС сақланиб қолинди.

Россия қончилигига киритилган ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистондан Россия бозорига мева ва сабзавотлар экспорти ҳажмини ошириш учун қулай имконият яратади.

Ўзбекистон
Ташқи ишлар вазирлиги

Ёшлар билан учрашувлар Натижаси қандай бўлмоқда?

Жиззах
вилояти ҳокими
Эргаш Солиев ва
ҳудудий секторлар
раҳбарларининг
ёшлар билан
учрашувлари
бўлиб ўтмоқда.
Унда ёшларнинг
ташаббус ва
таклифлари
ўрганилиб,
қайд этилган
масалаларни ҳал
этишга амалий
кўмак берилаётди.

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган ана шундай учрашувда давлатимиз раҳбарининг 2019 йилнинг 27 декабрь куни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга иxtисослаштирилган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабдаги ёшлар билан ўтказган учрашувда белгилаб берилган вазифаларга эътибор қаратилди.

Тадбирда талабалар, ўқувчилар, уюлмаган ёшлар ҳамда барча ҳудудий сектор раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Иқтисодий-ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда ёшлар улуши ортаётгани, ўтган йили вилоятда ёшлар ўртасида жиноятлар сони 24 фоизга камайгани,



Жамида ЕРБЕКОВ (ўса) олган сурат.

12 туманининг 6 тасида воёга етмаганлар томонидан жиноят содир этилмагани алоҳида қайд қилиб ўтилди.

“Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури доирасида 262 бизнес лойиҳага жами 59 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада 1 минг 500 янги иш ўрни яратилди.

8 та туманда “Yoshlar mehnat guzari” комплекслари ташкил этилди. Тўртта туманда “Ёш тадбиркорлар” коворкинг марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

Учрашувда фаол иштирок этган ёшлар ўзларининг муаммо ва ташаббус, таклифларини билдиришди.

– Давлатимиз томонидан берилган катта эътибор туфайли барча соҳаларда ёшларнинг фаоллиги ортиб бораётди, – деди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Дилмурод Худойшукуров. – Бу фаоллик парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловда, айниқса, эркин намоён

бўлди. Ёшларнинг барча соҳа ва йўналишлардаги ташаббус ва таклифлари қўллаб-қувватланаётгани, муаммолари ҳал этилаётгани уларни янада руҳлантирмоқда.

Тадбирда вилоят ҳокими ҳар ойда бир марта ҳудуд ёшлари учун сайёр қабул ўтказиб борилишини маълум қилди.

Учрашувда вилоят ёшлари томонидан амалга оширилган лойиҳалар тақдироти ўтказилди. Вилоят ҳокими ушбу лойиҳаларни амалга оширишда ибрат ва ўрнак кўрсатган давлат ва жамоат ташкилотлари, ёш тадбиркорлар, фаол ёшларга, кўнгилчиларга мукофотлар топширди.

Тадбир доирасида ёшлар учун меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Ярмаркада 46 ташкилот, корхона ва муассаса 485 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарка давомида 32 ёшга ишга жойлашиш учун йўланма берилди.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларининг қўшма мажлисини чақириш ва Олий Мажлиси Сенати сайловига оид айрим ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ САЙЛОВИ ҚАЧОН ВА ҚАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Йиғилишни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абду-саломов олиб борди.

Илгари Олий Мажлиси Сенати аъзоларини шакллантириш Марказий сайлов комиссиясининг низомига мувофиқ ўтарди. Янги қабул қилинган Сайлов кодексига Сенатни шакллантириш тартиби алоҳида белгилаб қўйилди. Сайлов кодексига мувофиқ, Сенат аъзоларининг сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлисини чақириш Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади. Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашларга сайлов якунлари эълон қилинганидан кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун қўшма мажлислар ўтказилишини эълон қилади. Қўшма мажлис, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Қўшма мажлиси Марказий сайлов комиссияси аъзоси очиб, энг обрўли, тажрибали, катта ёшли депутатлар орасидан мажлисга раислик қилувчи тўғрисида таклиф киритади. Қўшма мажлисининг ишини олиб бориш учун очик овоз бериш орқали уч кишидан беш кишига миқдорда ишчи ҳайъат сайланади, шунингдек, тушган таклифларни ҳисобга олиш ва қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштириш учун уч кишидан иборат Котибати тўзилади.

Ушбу қоидаларга мувофиқ, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайлови бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг қўшма мажлисларини 2020 йилнинг 16-17 январь кунлари ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, ҳудудларда қўшма мажлисларни ўтказиш муддатлари, жойи ва Марказий сайлов комиссиясидан иштирок этувчи масъуллар ҳақидаги режа-жадвал тасдиқланди.

Сайлов кодексига мувофиқ, Сенат аъзоллигига номзодлар кўрсатиш қўшма мажлисда амалга оширилади. Сенат аъзоллигига номзодлар кўрсатиш учун раислик қилувчининг тақдимномасига биноан очик овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан Маслаҳат кенгаши сайланади. Маслаҳат кенгашига катта тажрибага эга бўлган энг обрўли, катта ёшли депутатлар орасидан, қоида тарихида, ҳар бир маҳаллий Кенгашдан биттадан вакил сайланади. Маслаҳат кенгаши ўз раисини сайлайди.

Маслаҳат кенгаши фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлар орасидан Сенат аъзоллигига номзодларни кўрсатади ва кўриб чиқади ҳамда сайлов бюллетенига киритиш учун таклиф киритади.

Номзодларнинг алоҳида-алоҳида эшитуви ва муҳокамаси натижаларига кўра, қўшма мажлисда уларни сайлов бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қўшма мажлисда иштирок этаётган депутатларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган Сенат аъзоллигига номзод сайлов бюллетенига киритилган ҳисобланади. Сайлов бюллетенига олти нафардан кам бўлмаган Сенат аъзоллигига номзодлар киритилади.

Кун тартибидagi иккинчи масала – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати сайловига оид айрим ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш ҳақидаги қарор лойиҳаси ва унинг иловалари атрофида муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлайди.

Йиғилиш қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари сайловига доир “Сайлов бюллетени”, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари қўшма мажлисининг баённомаси, шунингдек, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари қўшма мажлиси Маслаҳат кенгаши йиғилишининг ҳамда Саноқ комиссияси баённомасининг намуналарини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидир. Сенат аъзолари (сенаторлар) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенат иши ялпи мажлисларга ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади. Сенатнинг ваколат муддати беш йил. Ваколат муддати тугагач, Сенат янги қақриқ Сенати иш бошлашга қадар ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Сайлов кунини йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудда муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Айни бир шахс бир пайтининг ўзида Сенат аъзоси ва Қонунчилик палатаси депутати бўлиши мумкин эмас.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири.

Наманган ВИЛОЯТИ


Бугунги кунда Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси, ўзгараётган, янгиланаётган мамлакат, жамият сифатида дунёда расман эътироф этилмоқда. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти эътиборини ҳақли равишда Ўзбекистонга қаратди десак, муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг янги халқчил сиёсати, миллий тараққиётдан миллий юксалишга ўтиш стратегияси асосида халқимизнинг онгу шуури ва турмуш тарзида жиддий ўзгаришлар юз беряпти.

Мамлакат, шаҳар-қишлоқлар янги қиёфага кирди. “Одамлар давлат идораларига эмас, давлат идоралари одамларга хизмат қилиши керак”, деган янги, шу чоққача ҳеч жойда айтилмаган шиор давлат-жамият-шахс муносабатларида ўзгариш ясади. Буни бугун мамлакатимиз пойтахтида, йирик шаҳарлардагина эмас, энг олис туманлар, тоғли қишлоқларда ҳам яққол кўриш мумкин.

Янгиқўрғон Наманган вилоятининг тоғли ҳудудларидан бири. Тоза ҳавоси, унумдор боғ-роғлари, турли соҳаларда донг таратган фидойи инсонлари, илмга чанқоқ ёшлари билан азалдан машҳур. Бошқа туманлар қатори, кейинги уч йил ичида Янгиқўрғонда амалга оширилган бунёдкорлик ишларини, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни, ёшлар кўлга киритаётган ютуқларни санаб адоғига етиш қийин. Туманимизга йўли тушган киши буни ўз кўзи билан кўради, ҳавас қилади.

Янгиладан оётган Янгиқўрғон

2018 йили муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси билан “Обод қишлоқ” дастури қабул қилинган, чекка ҳудудларда ҳам бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, яъни, ҳар бир жойнинг иқтисодий салоҳиятини тўла юзага чиқариш, маҳаллий имкониятлардан унумли фойдаланиш, кичик ва ўрта саноатни ривожлантириш, ҳудудларни обод қўшага айлантириш, аҳолининг турмуш маданияти ва фаровонлигини ошириш ишлари кенг қўламда бошланиб кетди. Туман ҳокимлиги, мутасадди



ташкilotлар, тадбиркору сармоядорларнинг “Зарбдор 200 кунлик” шиори остидаги фидойи меҳнатлари ўз самарасини берди. Баҳорнинг инжиқликлари, ёзнинг жазирамасини матонат билан енгган захматқаш қурувчилар томонидан бунёд этилган, таъмирланган бино ва иншоотлар, маданий-ижтимоий муассасалар, йўллар, коммуникация тармоқлари, чарогон кўчалар янгиқўрғонликларда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотди. Нанай ва Оқтом қишлоқларидаги ўзгаришлар эртақлардаги мўъжизаларни эслатади. Туман марказида маданият ва истироҳат боғи, еттита йўл, кўп қаватли турар-жой бинолари, ўн еттита савдо ва маиший хизмат шохобчаси, иккита саноат корхонаси, олти ижтимоий муассаса, ийгирма олти объектда реконструкция, қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганини таъкидлама-

сак бўлмас. Туман бандликка кўмаклашиш маркази, Давлат хизматлари агентлиги, мактабгача таълим муассасаси, кўплаб савдо, маиший хизмат ва ишлаб чиқариш шохобчалари фойдаланишга топширилгани, ичимлик суви ва канализация муаммолари ҳал этилиб, ўйдим-чуқур йўллар равонлашгани, яшил йўлақлар бунёд этилганидан қувонмай бўладими?! Хотира хибониди қад ростлаган “Мотамсаро она” ҳайкали Ватан фидойиларига халқимизнинг эътиромидир бўлди. Маданият саройи қайта тамирланиши натижасида янги кўрмак ва муҳташамлик касб этди. Бу сарой фарзандларимиз маънавиятини юксалтириш, ижодий истеъдодларини намоён этиш йўлида халқимизга узоқ йиллар хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, “Обод марказ” дастури асосида 75 миллиард сўмлик бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободончилик ишлари бажарилди. Бироқ, бу туманда янгилашни жараёни поёнига етди, дегани эмас. Янгиқўрғонликлар амалга оширилган ишлардан руҳланган ҳолда эзгу ишларни бундан бун ҳам изчиллик билан давом эттиришга астойдил бел боғлаганлар. Вилоят марказидан сўлим Нанай қишлоғи томон йўлга чиққан киши бунга қатъий ишонч ҳосил қилади. Қамбар ҲАЙДАР

Ватанни мардлар қўриқлайди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгазининг 2019 йил 16 декабрдаги фармойишига асосан Сирдарё вилояти ахборот кутубхона марказида “Мен генерал бўламан” мавзусида вилоятдаги Куч тузилма бошлиқлари билан ўқувчи ёшлар учрашуви ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун байрам тадбири ўтказилди.



Тадбир Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан вилоят Божхона бошқармаси, вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилди.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, ўсиб келаётган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шонли тарихимизни ўрганиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ташкил топиши ва ҳозирги кундаги мавқеи ҳамда ёшларни ҳарбийлик касбига бўлган қизиқишини янада оширишдан иборатдир.

Тадбир давомида ҳарбий санъаткорларнинг гўзал куй кўшиқлари ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг олқишига сазовор бўлди.

Анвар КАРАБАЕВ,

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходими.



ЭЪЛОН

БАРЧА ХўЖАЛИК, ТАШКИЛОТ, КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали маъмурияти 2019-2020 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида, бозор механизми билан давлат манфаатларига риоя этишни оқилона олиб боришни ҳисобга олиб, ташкилотлар билан келишилган ҳолда битирувчиларни шартномалар ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади

Сиз раҳбарлик қилаётган муассасангизда ёш мутахассисларга эҳтиёж бўлса, филиал Буюртмалар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлимига таклифлар беришингизни сўраймиз. Манзилимиз: 711520, Андижон вилояти Андижон тумани Куйганёр шаҳарчаси тел: (0374) 223-90-69; (0374) 373-11-65 Факс: (0374) 373-13-63 http://www.andqxi.uz. E-mail: info@andqxi.uz

Table with columns for 'Т/р' (Type), 'Таълим йўналишлари номи' (Education direction name), and various regional codes (Жами, Шундан, Андижон тумани, Асика, Белгич, Бўз, Булоқбоши, Жапарқўрғон, Ибросан, Қўрғонтепа, Мархамат, Олтинкўл, Пахтабод, Хўжаобод, Шаҳристон, Улуг'юр). It lists 16 education directions under 'Бакалаврият' and 4 under 'Магистратура'.

Ўзбек халқи қадимги эътиқодлари ичида чилла удумлари ҳам муҳим ўринда туради. Алишер Навоий асарлари учун қисқача изоҳли луғатда баён этилганидек: чилла ёзининг иссиқ ва қишининг совуқ 40 кун. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам чиллага қуйидагича изоҳ берилган: чилла (форс) – қирқ кун; йилнинг энг иссиқ ёки энг совуқ 40 кун (“чилла кирди”, “чилла чиқди”). Ёз чилласи 25 июндан 5 августгача бўлган энг иссиқ қирқ кун. Қиш чилласи ёки қишки чилла 25 декабрдан 5 февралгача бўлган энг совуқ қирқ кун. Бу даврдаги оқар сув “чилла суви” (“тилла суви”) дейилиб, ер, экин-тикин, мева-сабзавотлар учун ниҳоятда фойдали ҳисобланади. Чилла суви инсон саломатлигини ҳам мустаҳкамлайди.



Ўзбекларнинг қиш чилласи удумлари

қириши билан тун қисқариб, кун тобора узая боради. Бу то Наврўзгача давом этиб, ҳамалнинг илк кунда кун билан тун тенглашади.

Этнографик маълумотларга кўра, ҳатто мўридан кўтарилаётган тугундан ҳам об-ҳавонинг қандай бўлиши маълум бўлади. Қишда кечга яқин туман тушса – ҳаво илиб кетади, мўридан тун кўкка ўрласа – қаттиқ совуқ тушади. Кечаси очик ҳавода ой кўтарилиб турса – яқин даврда ёгингарчилик кутилади. “Ой кўтарилса – ойда ёғар, кун кўтонласа кунда ёғар” деб бежизга айтилмаган.

Шунингдек, қўйлар бошини кўтармай ўтлайверса, тез орада қор ёғади. Ёгингарчилик давом этаётган бўлишига қарамай, қўшлар шодон чирқиллаша, демак ҳаво тез орада очилади. Қишининг кунларида қаргалар бошларини кўлмак сувга чайишса, яқин кунларда қор ёғиши ёки совуқ бошланишидан дарак беради.

Қиш чилласи ёгингарчилик миқдори

ўртача 40 мм.ни, ҳаво намлиги эса 72 фоизни ташкил этади. Баъзида чиллада 40 даража ва ундан кучли совуқлар ҳам бўлиб туради.

Жадда ойнинг охирида қиш чилласи тугамасдан, 21 январдан дала ойи бошланади. Катта чилланинг ўртасида дала ойи киради. Дала ўн биринчи ой бўлиб, “қудуқдан сув оладиган чарм идиш – қовга” деган маънони билдиради. Шундан сўнг кунлар аста-секин узая бошлади. Халқимиз орасида “Тўқсон кирса, тўрғай одими билан, қантар оғса (8 февраль) қарга одими билан кунлар узаяди” деган нақл ҳам мавжуд.

Февраль ойи бошлари “Қантар оғди” дейилади. Чунки қиш совуқларининг кўли ўтиб, ози қолади. Энди қиш ташвиши камайиб, баҳор яқинлаша бошлади. Кунлар исиб, қантар оғандан сўнг ёққан қор кўп турмайди. “Қантар оғса, қозик бошида қор турмас”. Қиш чилласи поенга этиб бораётган пайтда ҳаво алмашишуви

кузатилади: қор ёғиб, ҳарорат бир мунча пасаяди.

Қишки чилла қириши санаси (25 декабрь) турли халқларда ҳар хил байрамлар сифатида ўтказилади. Масалан, шу кун бизнинг аجدдоларимиз сада байрамини, римликлар Митра (Қуёш) байрамини, насаро католиклари эса Рождество – Исо пайгамбари туғилган кунини нишонлашади.

Ўзбекларда қишки чилланинг ичида ўтказиладиган ўзига хос одатлари ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, 25 декабрда “чилла кирди”, 15 январда “кичик чилла” ёки “чилла ўртаси”, 5 февралда “чилла чиқди” деб улarga бағишлаб маълум маросимлар ўтказилган. Чилла кирганда одамлар совуққа руҳий тайёргарлик кўришиб, ундан сақланиш чораларини кўришган.

Кичик чилла чиққанда сандал атрофида махсус ирим-сиримлар қилинган. Чилла тугагач эса ташқарида турли ўйин-

лар уюштирилган. Қишки чилла пайтида инсонлар дам олишиб, меҳмондорчилик қилишган, гап-гаштаклар уюштиришган, касб-хунар ўрганишган.

Юқорида таъкидланганидек, 21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси энг қисқа кун ва энг узун тун содир бўлиб, қишининг энг узун ва қоронги кечаси Ялдо кечаси (Шаби Ялдо) дейилади.

Таниқли элшунос олим Б.Аминовнинг ёзишича, Ялдо кечаларини қишлар орзиқиб кутишган. Қиш кечалари ҳар ҳафта гап-гаштак уюштирилган, даврага тўпланганлар ширин суҳбатлар қуришган, сандал атрофида жам бўлиб, палов ёки норин тановул қилинган. Ялдо кечаларида мезбонлар меҳмонларни тўкин дастурхонлар тузаб, кутиб олишган. Қўйлар сўйилиб, тандириб-нонлар ёпилган. Қишга асралган қовун-тарвузлар, узуму анорлар омборлардан олиб чиқилиб, дастурхонга пешма-пеш тортиб турилган.

Бундай кечаларда бировни гийбат қилиш, гина-қудратга мутлақо йўл қўйилмаган. Аҳилу иноқ улфатлар кеча давомида яқинларининг қизини турмушга бериш, ораларидаги қийналиб қолган муҳтож оилаларга ёрдам қилиш, тўй ва маъракаларни биргаликда ўтказиш кабилар ҳақида ўзаро маслаҳатлашишган. Ялдо кечаларида кексалар, ёшлар алоҳида оила-оила ва тенгқур бўлишиб, қизгин суҳбат қилишган.

Хотин-қизлар ҳам ўз тенгқурлари билан кўнгили очилган. Улар газалхонлик қилишган, Баҳру байт айтишиб, мушориралар ўтказишган, рақсга тушишган, қўшиқлар хиргойи қилишган, дутор ва доира чалишиб, ўйин-кулги билан даврани қиздиришган. Маҳалла чойхоналарида ҳам Ялдо кечаси ўтказилиб, гап-гаштаклар ташкил этилган. Шундай гап-гаштакларда четдан келган сайёҳлар, мусофирлар, олим фозиллар, қаландарлар ҳам қатнашишган. Кишилар

ларнинг суҳбатларидан жаҳонда рўй бераётган янгиликларни билиб олишган. Халқ ашулчилари “Гулёрагон-Гулёра” каби қўшиқларни айтишиб, рақсларга тушишган.

Даврлар ўтган сайин ўзбек халқининг қиш чилласи билан боғлиқ удумлари деярли унутилаёзди. Уларнинг айримларига ниҳоятда ҳақолиси ўртасида учраб туради, холос.

Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақасида қиш чилласи билан боғлиқ ўзига хос удумлар мавжуд бўлган. Совет ҳокимияти даврида барча тарихий қадриятларимиз қатори қиш чилласи даври удумларига хурофот, эскилик қолдиги деб, белгисиз қаралган эди. Ваҳоланки, мазкур турфа удумлар замирида инсонларнинг табиатга меҳри, унинг қонунига қатъий риоя қилиш, экологик мувозанатни сақлаш, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда инсонлар ўртасида муносабатларни янада мустаҳкамлаш ҳамда қишнинг қаттиқ аёзларидан барчани асраш, ётади.

Бурун юртимиз қишлоқларида ёз ва қиш чилласи ёки ҳар ойнинг ўзига хос хусусиятларини теран билган қариялар-халқ донишмандлари, билимдонлари она табиатнинг турфа сир-асрорларини яқиндан теран англашиб, деҳқон чорваларига ўларнинг амалий маслаҳатларини беришган. Булар деҳқончилик ва чорвачилик махсусотларининг ошишига хизмат қилган. Афсуски, ҳозир бундай халқ донишмандлари ва билимдонлари ҳам халқимиз орасида санокли қолган дейиш мумкин.

Хуллас халқимизнинг мавсумий тақвим маросимларини айниқса, қиш чилласи удумларини пухта билиш ва амалий ҳаётда кенг қўламда қўллаш ҳар бир кишига ниҳоятда асқотди, албатта.

Очил БУРИЕВ,
Фахриддин ЭГАМБЕРДИЕВ.

Кутлов



Автомобильная магистраль ИАЙҚТБ жамоаси

бунёдкор халқимизни

Янги йил

билан

самимий қутлайди.

Ўзод ва обод
Ватанимиз равнақи,
эл-юрт манфраати
йўлидаги эзгу ишларга
барчангизга янги зафарлар
ва омад ёр бўдсин!

2020 йилда эзгу мақсадларингиз
рўёбга чиқишини тилаймиз.



“УЧҚҮРҒОН ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ” акциядорлик жамияти жамоаси

Барча юртдошларимизни, тизимда
меҳнат қилаётган ҳамкасбларини
2020 йил билан самимий қутлайди.

Омилкор ва серғайрат
ғаллакорларимизнинг эзгу ният ила ерга
қадаган уруғлари баракали, жорий
деҳқончилик йилида ҳам бунёд этажак ҳосил
хирмонлари янада юксак, ютуқлари
салмоқли бўлишини тилайди.

Ўзлонлар

MEGA-TECH SOLUTIONS' MAK (Тошкент ш. Сергели т. Янги Сергели кўчаси 1-йўли бўйида) ўтав. СТИР 302801500) ишгарчилик учун иккиликнинг 2020 й. 3 январда қарори билан "MEGA-TECH SOLUTIONS" MAK сифатида қайта рўйхатдан ўтказилган маълум қилади.	Тошкент ш. Тошкент т.да бўйида олинган (СТИР 305311034) "REAL STEEL TRADING" MAK ўтав фонди миқдори 4 185 196 000 сўмдан 1 802 696 000 сўм миқдоригача қайтагиришни маълум қилади. Маълумот учун тел.: (97) 721-55-05.	000.0 сўмга қайтагиришни маълум қилади. Асс. ёлва кўчиролгани 2019 й. 25 декабрда қарори.
PSB CAPITAL' MAK ўтав фонди миқдорини 213.83 млрд сўмдан 83.83 млрд сўмга қайтагиришни маълум қилади.	Тошкент ш. Челоқор т.да бўйида ўтав "ABSOLUT LEASING" (СТИР 237075481) MAK ш.К. ўтав фондини 16 900 000 000.0 сўмдан 900 000	2016 йил 30 июнда Ражабовов Оттабек Қудрат ўғлига Тошкент ш. М. Улуўбек номи санат қаб-хунар коллежи томонидан берилган К.532538 рақамли диплом йўқлигини муносабати билан бекор қилинган.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
тарихидаги ҳамда бошқа
дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ХАЙАТИ: Жамшид ХҲЖАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ,
Шухрат ТИШАЕВ, Мухаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурусул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир уринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир уринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ихтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси	+ (99890) 592-62-04
Вилоятлар:	
Андижон	+ (99893) 630-73-03;
Бухоро	+ (99891) 401-29-59;
Жиззах	+ (99893) 940-10-78;
Навоий	+ (99891) 332-50-99;
Наманган	+ (99893) 948-53-86;
Фарғона	+ (99890) 407-76-03;
Самарқанд	+ (99893) 349-54-39;
Сирдарё	+ (99894) 168-23-60;
Сурхондарё	+ (99890) 520-20-05;
Тошкент	+ (99890) 976-39-58;
Хоразм	+ (99897) 790-47-61;
Қашқадарё	+ (99897) 290-28-88;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда
№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-125, ҳажми 2 босма табоқ,
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Манзилми: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳрирининг ўзида компьютерда терилди ва
дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

4 944 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 23.30



Навбатчи муҳаррир:
А.ХАҚБЕРДИЕВ